Ушбу сонда:
2 ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ
3 КУЧЛИ ДАВЛАТДАН – КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ
4 ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ISHONCH

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 6 август, шанба № 124 (1965)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

***"Оғир жазо, айниқса, фуқароларни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлган жазоларнинг жиноятчиликнинг олдини олишдаги аҳамиятини ошириб кўрсатиш ўринсиз эканлигини ҳаётнинг ўзи исботламоқда. Жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш самарадорлиги жазонинг оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, балки биринчи навбатда, қонунни бузган шахснинг жазонинг муқаррарлигини нечоғли англашига боғлиқ".***

**Ислом КАРИМОВ**

## ХИТОЙ ТЕХНОЛОГИЯСИ ҚЎЛ КЕЛДИ





Янгийўл шаҳридаги «Олтин дон компанияси» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган тўрт турдаги тез тайёрланадиган «Лаззатли лағмон» маҳсулотлари ўзининг сифати, хуштаъмлиги билан истеъмолчиларнинг эътиборига сазовор бўлмоқда.

Таъкидлаш керакки, ўтган 2004 йилда қўшма корхонада 70 миллион сўмлик ана шундай маҳсулотлар ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилнинг ўтган беш ойида бу кўрсаткич 50 миллион сўмни ташкил этди.

– Хитой технологияси асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар айни пайтда ички бозорни таъминлашда қўл келмоқда, - дейди қўшма корхона бош директори Ян Ланминь хоним. – Корхонамизда тайёрланаётган маҳсулотларни бугун исталган дўкон пештахталарида учратишингиз мумкин. Келгусида маҳсулотларимизни хорижга экспорт қилиш борасида ҳам изланмоқдамиз.

Низом жамғармаси 2 миллион 632 минг АҚШ долларидан зиёд мазкур корхонанинг айнан Янгийўл шаҳрида ташкил этилишидан кўзланган мақсад маҳаллий ёшларни иш билан таъминлашдир. Бугунги кунда бу ерда 70 киши меҳнат қилмоқда.

**Суратларда: қўшма корхона иш фаолиятидан лавҳалар.**

**Д.ЮСУПОВ**
**(ЎзА) олган суратлар**

## «EAST TELECOM» - ЗАМОНАВИЙ ТАРМОҚ

***Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ташаббуси билан Навоий шаҳрида «Ўзбектелеком» акционерлик компанияси ва Россиянинг «Эликс кабел» компаниялари ҳамкорлигида «East telecom» Ўзбекистон-Британия-Россия қўшма корхонаси бўлими ташкил этилди.***

- Корхонамизга чет элнинг янги туркумдаги NGN қурилмаларини ўрнатдик, - дейди қўшма корхонанинг шаҳар ҳудудий бўлими менежери Шуҳрат Қиличев. - Биз мижозларга видеотелефон, интернетга тезкор уланиш, тезкор маълумотлар узатиш, видеоконференциялар ўтказиш каби 31 турдаги қўшимча хизматлар ҳам кўрсатамиз. Яна бир қулайлик томони шундаки, бир вақтнинг ўзида телефонда сўзлашиш, маълумот узатиш, интернетга уланиш ёки видео-телефон орқали алоқа қилиш мумкин.

Янги тармоқнинг ишга туширилиши вилоятда шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар учун кетадиган сарф-ҳаражатни икки бараварга камайтириш имконини берди. Ҳар томонлама қулайлик ва имтиёзларга эга бўлгани учун қисқа муддатда корхона мижозлари юз нафарга етди. Йил охиригача улар сони уч бараварга кўпайиши кутилмоқда.

### Йиллар ва одамлар

## ЎЗБЕКИСТОН АВИАХОДИМЛАРИ улуғ мақсадларни кўзлашяпти

Ўзбекистон авиаходимлари ҳам Республикамиз мустақиллигининг 14 йиллигини меҳнатда улкан ютуқлар билан кутиб олишмоқда. Бундан роса 80 йил олдин ташкил топган Ўзбекистон авиацияси мустақиллик йилларида янада ривожланиб, ўз вазифасини сидқидилдан бажаряпти. Айни кунда республикамиз белгиси туширилган ҳаво кемалари дунёнинг кўплаб мамлакатларига қатнаяпти. Бунда "Тошкент Халқаро Аэропорти" Давлат унитар корхонасининг ҳам муносиб улуши бор. Кўпгина миллат вакилларидан ташкил топган ушбу жамоа республикамиз авиация тармоғини халқаро миқёсда обрў-эътибор қозонишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаяпти.

Корхонанинг бирлашган касаба уюшма қўмитаси аъзоларни ҳимоя қилиш, уларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, кўнгилдагидек иш ҳамда дам олиш шароитини яратишга ҳаракат қилмоқда. Бир сўз билан айтганда, жамоада маъмурият ҳамда касаба уюшма қўмитаси ишчи-хизматчиларнинг иш ҳамда яшаш шароитларини яхшилашда қўлни қўлга бериб фаолият кўрсатмоқда.

- Иш берувчи жамоа ўртасида касаба уюшма қўмитасининг обрўсини кўтариш учун барча имкониятни сафарбар этиши лозим, - дейди мазкур жамоа раҳбари Зокир ака Ибрагимов. - Мана шундай қилинган тақдирдагина аъзолар ташкилот атрофига жипслашадилар. Сўз ва иш бирлиги юзага келади. Ўзингиз биласиз, бундай жамоа ҳар қандай ишга қодир.

Зокир ака Ибрагимовнинг гаплари айни ҳақиқат. Чунки унинг ўзи мазкур жамоада узоқ йиллар давомида бирлашган касаба уюшма қўмитаси раисининг ўринбосари лавозимида фаолият кўрсатган. Шунинг учун ҳар бир ишчи-хизматчининг юриш-туриши, молиявий аҳволи, ўз касбига муносабати унга беш қўлдек аён, десак янглишмаймиз.

Айни пайтда корхонада 3600 нафар касаба уюшма аъзоси бор. Улар 30 та цех ташкилотига бирлашишган. Шуниси диққатга сазоворки, бу ерда ишлаб, ҳозирда қарилик гаштини сураётган фахрийлар ҳам касаба уюшма аъзолари рўйхатида. Узоқ йиллар бирлашган касаба уюшма қўмитасини бошқарган Н. Видяева уларга етакчи.

- Қарияларимизнинг биз билан биргаликда рўйхатда туришларининг ўзига хос афзалликлари мавжуд, - дея суҳбатни давом эттиради касабақўм раиси Азиза опа Арифбоева. - Чунки, авиация мураккаб тармоқ. Уларнинг ҳаётий ҳамда иш тажрибаларидан истаган вақтимизда фойдаланишимиз мумкин. Шу билан бирга турли байрамлар улар иштирокисиз ўтмайди.

Азиза опа том маънода жамоа ўртасида обрў қозонган инсон. Унинг энг асосий сифатларидан бири шуки, ўзига юклатилган масъулиятни чуқур ҳис этади. Жамоада шундай муаммолар борки, ечимини қидириб топишни эртага қолдириб бўлмайди. Азиза опа эса худди шундай йўл тутади. Унинг учун муаммонинг катта-кичиги йўқ. Чунки уларнинг ҳаммаси меҳнаткашлар тақдири билан боғлиқ. Буни касабақўм жуда яхши тушунади.

Ташкилотда маданий ва спорт тадбирларига ҳам катта аҳамият берилмоқда. 2003 йилдан бошлаб касаба уюшма ташкилоти ҳисоб рақамига юқоридаги тадбирларни ўтказиш учун иш ҳақи фондидан 1,5 фоиздан ўтказиляпти. Бунинг натижасида Тошкент ва Олмаота аэропортлари ўртасида спорт делегацияларини юбориб туриш тўғрисида шартнома тузилди. Олмаота шаҳрида ўтказилган спартакиадада жамоа спортчилари яхши натижа кўрсатишди. Ғолиблар "Фахрий ёрлиқ" ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди. Жорий йилда ҳам олмаоталик ҳамкасбларни таклиф этиш режалаштирилган.

Унитар корхонада меҳнат муҳофазасига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. 23 та хизматларда шу соҳа бўйича вакиллар фаолият кўрсатишяпти. Улар муттасил равишда ўз билимларини ошириб боришмоқда. Ишлаб чиқариш ҳудудлари, иш жойларидаги санитария-гигиена хоналари талаб даражасида жиҳозланган.

Корхонада тиббий санитария бўлими, амбулатория ишлаб турибди. Функционал-диагностика бўлими, клиник ва биохимик лабораториялар замонавий тарзда жиҳозланган. Тиббиётнинг турли йўналишларида шифокорлар тармоқ меҳнаткашларига малакали хизмат кўрсатишмоқда.

**Н.РАФИҚОВ,**
**"Ишонч" мухбири**

## БУНЁДКОР ЮРТГА БАЙРАМЛАР ЯРАШАДИ

***Мамлакатимиз пойтахтидан йўлга чиққан бир гуруҳ зиёлилар, ёзувчи-шоирлар, олимлар, санъаткорлар Фарғона вилоятида амалга оширилаётган улкан ишлар билан яқиндан танишдилар, ана шу ишларни амалга ошираётган оддий одамлар билан мулоқотда бўлдилар. Уларнинг ўй-фикрлари, ташвишлари билан қизиқдилар.***

Бир пайтлар вилоятнинг чекка - Бешариқ туманида кўплаб саноат корхоналари барпо этилади, деса кўпчилик ишонмасди. Истиқлолимизнинг шарофати билан бугун туманда қатор ишлаб чиқариш корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Биргина «Бештекс» Ўзбекистон-Германия-Туркия қўшма корхонасининг ўзида тўрт юздан зиёд йигит-қиз меҳнат қилмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодий ривожига салмоқли улуш қўшаётган бундай корхоналар вилоятда анчагина. Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, Кимёвий толалар заводи саноат корхоналари сафида етакчи ўринларда туради. «Қўқон» ишлаб чиқариш бирлашмасида, Қувасойдаги «Кварц» ҳиссадорлик жамиятида, Тошлоқ туманидаги «ДЭУ-текстил», Фарғона шаҳридаги «Ўзсаламан», Қувасойдаги «Delkonis», Риштондаги «Риштонтекс» каби қўшма корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар аллақачон ички ва ташқи бозорда ўз харидорини топган.

Вилоятда тадбиркорликни ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, Президентимизнинг яқинда эълон қилинган фармонлари ва қарори бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтирди. Бугун Фарғонада 22 минг 376 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти фаолият юритмоқда.

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳотлар ҳам ўз самарасини бермоқда. Буни фарғоналик деҳқонларнинг давлатга дон сотиш режасини илғорлар сафида бажаргани ҳам кўрсатиб турибди. Ушбу ютуқда вилоятда фаолият юритаётган 11 минг 144 фермер хўжалигининг алоҳида улуши бор.

Вилоятда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури ҳамда «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастури ижросини таъминлаш юзасидан ҳам улкан ишлар амалга оширилмоқда.

- Маҳаллаларимизнинг ободлигини кўриб кўз қувнайди, - дейди Тошлоқ туманидаги Заркент қишлоғида яшовчи педагог Рўзмат Каримов. - Қишлоғимизда касб-ҳунар коллежи ва иқтидорли болалар мактаб-интернати фаолият кўрсатмоқда. Мана бу мактаб эса яқинда капитал таъмирдан чиқарилди. Бинони кўрган кишининг ҳаваси келади. Буларнинг бари истиқлол туфайли эмасми?

Марғилон шаҳри ҳам вилоят халқ хўжалигининг барча тармоқларида муҳим ўрин тутади. Истиқлол йилларида очилган тўрт коллеж, турли хил савдо ва маиший хизмат кўрсатиш бинолари шаҳар кўркига кўрк қўшди.

Шаҳарнинг «Маориф» маҳалласида ўтказилган учрашувда ана шу ишлар ҳақида сўз борди. Бундай ўзгариш ва янгиланишлар, деб таъкидланди мулоқот чоғида, юртимиздаги тинчлик ва осудалик, халқимизнинг ўз келажагига бўлган юксак ишончи туфайли рўёбга чиқмоқда. Шунинг учун ҳам юртдошларимиз истиқлол неъматларини асраб-авайлаш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида астойдил меҳнат қилмоқда. Зеро, бунёдкор юртга гўзал байрамлар, тантаналар ярашади.

**(ЎзА)**




## ЎЛИМ ЖАЗОСИНИ жазо тури сифатида бекор қилишнинг ўзига хос хусусиятлари

***Ўзбекистон мустақилликка эришгач, барча соҳалар каби суд-ҳуқуқ тизимида ҳам ислоҳотлар изчил амалга оширила бошланди. Жумладан суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича жиноий жазоларни либераллаштириш, мол-мулкни мусодара қилиш жазосининг жазо тури сифатида жиноят қонунчилигидан чиқариб ташланиши, озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўрнига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни қўллаш, ярашув институтининг жорий қилиниши Жиноят кодексининг инсонпарварлик принципларига мувофиқ келишининг яққол далили ҳисобланади.***

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2005 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилган ижобий ишларни қайд этиш билан бирга, бу соҳада ҳали ечимини кутиб турган жиддий муаммолар борлиги, ушбу соҳада ҳал этилиши лозим бўлган масалалардан бири бу жазо тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлаш, шунингдек, ўлим жазосига мораторий қўллаш эмас, балки уни бутунлай бекор қилиш лозимлиги ҳақида тўхталиб ўтди.

Ўлим жазосини жазо тури сифатида жиноят қонунчилигидан олиб ташлаш мақсадида 2005 йил 2 август куни **Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди.**

1992 йилда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилиниб, унга асосан инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқлари олий қадрият деб эълон қилинди. Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи эканлиги ва инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноят деб белгиланди. Инсон ва фуқаронинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари тизимида яшаш ҳуқуқи, нафақат мазкур ҳуқуқнинг ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишлилиги ва ажралмас эканлиги, балки инсоннинг Конституцияда берилган ва кафолатланган ҳамда қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар томонидан ҳимоя қилинадиган барча мавжуд ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлишининг дастлабки шарти ва гарови ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 3-моддасида ҳар бир инсон яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пактнинг 6-моддаси 1-бандида бунга кенг таъриф берилади: **"Ҳар бир инсоннинг яшаш ҳуқуқи унинг ажралмас ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ қонун билан муҳофаза этилади. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан инсонни яшаш ҳуқуқидан маҳрум қила олмайди".**

Ўзбекистонда инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддасдир. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларининг энг асосийси ҳисобланмиш яшаш ҳуқуқининг конституция даражасида мустаҳкамланиши ўз навбатида давлат олдига инсон ҳаётини ҳимоялаш ва унга бўладиган турли хил ижтимоий хавфли тажовузларнинг олдини олишнинг амалдаги механизмини яратишдек ўта масъулиятли вазифани қўяди.

Янги Конституциямиз асосида ишлаб чиқилиб 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган ва 1995 йил 1 апрелда кучга кирган Жиноят кодекси инсоннинг яшаш ҳуқуқини ҳимоялаш соҳасида ўзига хос ўрин тутади. Жиноят кодекси Махсус қисмидаги нормаларнинг 26 фоизи муайян даражада фуқаролар ҳаётига тажовуз қилганлик учун жиноий жавобгарликни назарда тутишини таъкидлаш бизнингча етарли. Жабрланувчининг у ёки бу биологик хусусиятлари ва ижтимоий сифатларидан қатъи назар, фуқаролар ҳаёти жиноят қонунлари билан муҳофазаланади.

Муайян даражада инсон ўлимига сабаб бўладиган қилмишлар жиноят қонунлари томонидан ижтимоий хавфли деб тан олинади, чунки ҳар бир инсон ҳаёти ижтимоий қадрият ҳисобланади. Одамлар эса, ўз навбатида, ҳар қандай ижтимоий муносабатларнинг ажралмас таркибий қисми бўлиб, мазкур муносабатлар инсонлар иштирокисиз реал мазмунга эга бўлмаган мавҳумликка айланади.

1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган ва 1995 йил 1 апрелда кучга кирган Жиноят кодексида 13 та модда бўйича, яъни:

- **жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (97-модда иккинчи қисми);**
- **номусга тегиш (118-модда тўртинчи қисми);**
- **жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш (119-модда тўртинчи қисми);**
- **агрессия (151-модда иккинчи қисми);**
- **урушнинг қонун ва удумларини бузиш (152-модда);**
- **геноцид (153-модда);**
- **терроризм (155-модда учинчи қисми);**
- **давлатга хоинлик қилиш (157-модда биринчи қисми);**
- **Ўзбекистон Республикаси Президентига тажовуз қилиш (158-модда биринчи қисми);**
- **жосуслик (160-модда биринчи қисми);**
- **жиноий уюшма ташкил этиш (242-модда биринчи қисми);**
- **контрабанда (246-модда биринчи қисми);**
- **гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказиш (272-модда иккинчи қисми) жиноятлари бўйича ўлим жазоси қолдирилди холос.**

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1998 йил 29 августида бўлиб ўтган ўн иккинчи сессиясида ўлим жазоси тайинланиши мумкин бўлган жиноятлар сони Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида 8 тагача қисқартирилди, яъни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан Жиноят кодексига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиб, яна 5 та жиноят (ЖКнинг 119-моддаси тўртинчи қисми, 152-моддаси, 158-модданинг биринчи қисми, 160-модданинг биринчи қисми, 246-модданинг биринчи қисми) санкциясидан ўлим жазоси чиқарилди.

Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясида Президент Ислом Каримов томонидан қилинган "Адолат қонун устуворлигида" номли маърузада жиноят қонунчилигимизга оид сиёсатимизда жиноий жазоларни либераллаштириш истиқболлари белгилаб берилди. Шу сессияда 2001 йил 29 августда Олий Мажлис томонидан "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонунга мувофиқ яна ўлим жазоси санкциясида белгиланган жиноятлар рўйхати 4 тагача камайди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 118-моддаси тўртинчи қисми, 157-моддаси биринчи қисми, 242-моддаси биринчи қисми, 272-моддаси иккинчи қисми санкциясидан ўлим жазоси олиб ташланди.

Ва ниҳоят, иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2003 йил 12 декабрида бўлиб ўтган ўн учинчи сессиясида Жиноят кодексидаги яна 2 та Агрессия ва Геноцид жиноятлари (ЖКнинг 151-моддаси иккинчи қисми, 153-моддаси) санкциясидан ўлим жазоси чиқарилди.

**Шу билан БМТ Бош ассамблеясининг 32 сессияси 1977 йил 9 декабрда қабул қилган 32/61-сон резолюция талаблари бажарилди, бу резолюцияда жумладан шундай дейилади: "Ўлим жазоси тўғрисидаги масалада кўзланиши лозим бўлган асосий мақсад мазкур жазони бекор қилиш мақсадга мувофиқлигидан келиб чиқиб, ўлим жазоси қўлланиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликлар сонини мумкин қадар камайтиришдан иборат".**

**(Давоми 3-бетда)**

## БУНДАЙ ТОТЛИ НЕЪМАТ фақат бизда битади

Мамлакатимиздаги боғ-роғлар, токзорлар, полизларда бу йил ҳам мева-чева мўл-кўл бўлди. Ноз-неъматлар бугунги кунда фақат юртимиз аҳолиси дастурхонини безабгина қолмай, хорижга ҳам жўнатилмоқда. «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси ҳар куни минглаб тонна маҳсулот экспорт қилмоқда.

- Компаниямиз таркибидаги қайта ишлаш корхоналари қуритилган, қадоқланган, консерваланган мева, сабзавот ва полиз маҳсулотларини экспорт қиляпти,- дейди мухбирга «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси ташқи иқтисодий алоқалар ва инвестиция бошқармаси бошлиғи Р.Алиев. - Жорий йилнинг етти ойи мобайнида четга қиймати 8 миллион 200 минг АҚШ долларидан ортиқ маҳсулот жўнатилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб 150 фоиз кўпдир.

Юртимизда тайёрланаётган маҳсулотлар асосан Германия, Италия, Испания, Жанубий Корея, Малайзия, Афғонистон ва МДҲ мамлакатларига жўнатиляпти. Хорижда томат пастаси, ҳар хил шарбат, консерва маҳсулотлари, қуритилган мева, полиз ҳамда сабзавот маҳсулотларига талаб айниқса катта.

Шу боис компаниямизнинг экспорт имкониятлари йил сайин ортиб боряпти. 1999 йили 1,8 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилинган бўлса, ўтган йил якунида бу кўрсаткич 14,5 миллион долларни ташкил этди. Бошқача айтганда, экспорт имкониятимиз саккиз баравар ортди.

Бундай юқори натижаларга эришишда компаниямиз таркибидаги хориж инвестицияси асосида ташкил этилган қўшма корхоналарнинг ҳиссаси катта. Ҳозир юртимизда «Тони-Гринг» Ўзбекистон-Россия, «Тўрақўрғонширинлик» Ўзбекистон-Голландия, «Агромир» Ўзбекистон-АҚШ каби ўттиздан ортиқ қўшма корхона самарали фаолият кўрсатяпти.

Компаниямизда экспорт ҳажмини янада кенгайтириш мақсадида соҳага хорижий инвестицияларни жалб этишга катта эътибор берилмоқда. Бу эса маҳсулотнинг жаҳон андозалари талабига мос келадиган даражага етказиш имкониятини беради. Айни вақтда бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда маҳсулотларимиз хариди мониторингини ўрганиш, уларнинг рекламасини яхши йўлга қўйишга катта аҳамият қаратиляпти.




# Ислоҳотларни янги босқичга кўтаришнинг мустаҳкам пойдевори

## СИРДАРЁ



*Сифат - бозорнинг биринчи талаби*

# ХОРИЖ ҲАМКОРЛИГИДАГИ КОРХОНА

***Илгарилари Сирдарё пахтасининг атиги 4 фоизи қайта ишланарди. Ҳудудда «Сайҳунмедтекс, «Ламодел» каби қўшма корхоналарнинг ишга туширилиши бу борадаги оқсашларга чек қўйди. Мана бир йилдирки тармоқдаги саноат дарғалари қаторига Янгиердаги «Мосянтекс» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси ҳам қўшилди.***

Мирзачўлда етакчи бўлган кўплаб Янгиер корхоналари бозор талаблари олдида мум тишлаб қолганди. Шароит улар ўрнини босадиган, айни чоғда рақобатбардош корхонани тақозо этаётганди. Шу боис маҳаллий ишбилармонлар кўп изланишди. Бозор талаби ўрганилиб, таҳлил этилди. Қисқа қилиб айтганда, «Мосянтекс» талаб ва эҳтиёж маҳсули сифатида дунёга келди. Қўшма корхона «Шипа-текс» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси негизида, Россиянинг «Борода» масъулияти чекланган жамияти шериклигида иш бошлаганди. 150 минг АҚШ долларлик низом жамғармасининг 90 мингини хорижлик ҳамкорлар 60 мингини эса янгиерликлар топишди.

Сифат – бозор кўрки. Янги корхона илк кунларданоқ ишлаб-чиқаришнинг ана шу жиҳатини маҳкам тутиш пайида бўлаяпти. Шу боис маҳсулот тайёрлаш цехларига дунё эътирофига тушган Италия, Польша, Тайван ва Жанубий Корея технологиялари киритилди. Маҳаллий аёлларга асбоб-ускуналар билан тиллашиш сирлари ўргатилди. Технологияни ишга солишда ходимларда ҳеч бир муаммо туғилгани йўқ. Чунки танланган кадрларнинг аксарияти аллақачон ўз ишларининг «пирларига» айланиб улгуришганди. Ишчилар дастлабки етти ойда 50 миллион сўмлик трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга эришди. Ходимлар малакасини оширишда хорижга 90 фоиз маҳсулотини сотаётган «Ламодел» қўшма корхонаси яқиндан кўмак берди. Бугун янги корхона маҳсулотига Россия, Германия каби давлатлар харидор бўлиб турибди.

Илк дастгоҳлардан бирига ўтирганимдан мамнунман. Мен сингари кўплаб ҳамшаҳарларим ҳам бу шарафга муяссар бўлишди. Корхонамизда биз ишчилар учун барча шарт-шароит яратиб берилган. Чиройли, бежирим ишчи коржомалари билан таъминланганмиз. Бепул тушлик ташкил этилган. Ойлик маош ва мукофотлар ўз фурсатида бериб борилади. Муҳими, инсон омилига эътибор кучли. Зарарсизлантирилган иш шароитида меҳнат қиламиз. Меҳнат хавфсизлиги қоидалари ўқуви ташкил этилган. Ходимларимиз маҳоратини оширишга маъмурият жиддий эътибор қаратиб келяпти. Хориж техникасини ишлатиш, унинг барча имкониятларини ишга солиш юзасидан изланишларга ҳеч бир монелик йўқ.

Тўғри, хомашёда муаммолар йўқ эмас. Аммо корхонамиз раҳбарлари ишни тўхтаб қолишининг олдини олишга интилади. Андижон, Самарқанд ва Чиноздаги қатор турдош корхоналар билан амалий алоқалар боғлаганмиз. Газлама етказиб беришда улар ҳам баҳоли қудрат кўмак кўрсатиб келишаяпти.

Шундай йирик корхонада ишлаш фахр-ифтихор туйғуларини уйғотади кишида. Бир тасаввур қилинга, бизнинг қўлимиздан чиққан бежирим либослар хориж бозорларини безаса.

**А.СОЛИЕВА,**
**«Мосянтекс» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси устаси**

*Халқ ҳунармандчилиги*

# ФИРМА СОВҒАБОП ГИЛАМ ТЎҚИЙДИ

***Боёвутлик тадбиркор Ғофиржон Олимжоновнинг ўз танлаган йўли бор. Мана 14 йилдирки, у ҳамқишлоқлари бошини қовуштириб, уларни мақсад сари етакламоқда.***

Тадбиркор хориждан ҳамкор изламади. Сармоя ҳам ахтариб овора бўлмади. Ҳамқишлоқлари юрагига қулоқ тутди. Улар маслаҳати, кўмагида гилам тўқишни бошлади. Оддий жундан тўқилган гиламларда мўъжиза бор. Уни дунёга танилган мўйқалам соҳиби эмас, балки оддийгина қишлоқ аёллари яратишади. Юрт мадҳи, истиқлол шукуҳи, турли саналарга бағишланган ипак гиламлар нафақат сирдарёликлар, балки олис ўлкаларда яшовчиларнинг ҳам эътиборига тушган.

Ғ.Олимжонов халқимизнинг азалий ҳунармандчилигига асосланади. Ҳамқишлоқларининг 50-60 нафарини бу ишга жалб этди. Олтита гилам тўқийдиган дастгоҳ ўрнатди. Ёш қизларни ҳам халқ амалий санъатидан баҳраманд этди. Мўъжазгина совғабоп гиламлар ишлаб чиқаришга бош-қош бўлди. Гилам ишлаб чиқариш билан биргаликда тикувчилик цехи ҳам ташкил этди. Айни чоғда чеварлар шифохоналар учун кўрпалар, Сирдарё иссиқлик электр станциясининг буюртмаси билан қўлқоплар тайёрлаб беришяпти. 2- ва 36-мактаб маъмуриятлари буюртмаси билан ўқувчилар учун кийим бошлар тайёрланди. Энг муҳими, қишлоқдаги аёллар ва қизларнинг аксарияти бу ерда ҳунар ўрганиб, ҳаётда ўз йўлларини топиб олишяпти.

Корхона жамоаси доимо изланишда. Улар яқиндан бошлаб янги маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этишди. Эндиликда спорт кийимлари ҳамда кураш тўшаклари ишлаб чиқарила бошланди. Янги маҳсулотга талаб етарли. Энг муҳими, у пишиқ-пухталиги билан ажралиб туради. Нархи арзон.

Ходимлар ойлик маош билан таъминланган бир пайтда ишлаб топилган маблағ хайрли ишларга йўналтириляпти. Хусусан, фирма раҳбари туманда истиқомат қилаётган 34 нафар қарияни Самарқанд шаҳри томошасига, Имом ал Бухорий мақбараси зиёратига олиб борди. 36-мактабдаги битта синф хонасини стол-стул билан жиҳозлашга ҳомийлик қилди.

Хуллас, келажак сари дадил одимлаётган «Нодир» хусусий фирмаси янги иш ўринлари яратиш, одамлар турмушига янгича мазмун олиб киришга астойдил бел боғлаган.

**М.ИЛҲОМОВА,**
**ишчи**

*Ўзгалар ташвишида*

# ТАДБИРКОР ҚУРГАН ГУЗАР

***Гулнора Избосарова тиниб-тинчимас аёл. Ишбилармонлик йўлини тутибдики одамлар ташвишини устун билади. Мирзачўл қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Янгиовул» маҳалласи ишбилармон аёл саъй-ҳаркати билан обод бўлди.***

Маҳалла-кўй ташвиши билан юрган аёл қишлоқда шинам бинолар қуриб эл олқишини олди. Унинг ташаббуси билан бунёд этилган маҳалла гузаридан янги чойхона, новвойхона, сартарошхона, савдо, гўшт дўконлари ўрин олган.

– Гузарда тикувчилик цехини очиш ҳаракатида бўлаяпман, – дейди мирзаободлик тадбиркор. – Маиший хизмат шохобчаси қаторида ёшлар учун кафе-бар ҳам бор. Цехимизда ўнга яқин қизлар иш билан таъминланади. Яқинда тикиш-бичиш сирларини ўргатадиган ўқув маркази ташкил этиш ниятимиз бор. Муддаомиз қишлоғимиздаги ёш қизларни катта ҳаётга мукаммал тайёрлаш.

Маҳалла гузарида бир йилдирки, ободончилик, кўкаламзорлаштириш ишлари давом эттирилаяпти. Тадбиркор ташаббусига маҳалладошлар ҳар доим камарбаста. Муддао – қишлоқни сўлим гўшага айлантириш.

**А.ТУРСУНБОЕВ,**
**тадбиркор**



***Янгиер шаҳридаги «Бекажон-Ян» хусусий фирмаси чеварларини ҳозирги кунда кўпчилик танийди. Боиси, улар халқимиз севган ғоятда гўзал, бежирим либосларни тортиқ этишаяпти. Касб-корнинг ўзига хос сирларини ёшларга ўргатишда ҳунарманд Эркиной Мамажонованинг (суратда ўнгда) ҳиссаси катта.***

***М.КАРИМОВ***
***олган сурат***

# КАДИДАН

**бежирим буюмлар**

Ташаббус Салима Мадисаевадан чиқди. Унинг ғояси устида ишлаб кам бўлмаяпмиз.

Бир куни уйимизга бир олам тошкади кўтариб келган Салима опа режасини баён этди. Аввал икки киши, кейинчалик тўрт-беш кишини жамлаб ишга киришдик. Дастлабки ишимиз боғчаларга турли хилдаги ўйинчоқлар тайёрлаш бўлди. «Юлдузча» болаларига тақдим этган совғамиздан болажонлар беҳад мамнун бўлишди.

*Ташаббус*

Шундан сўнг ишга астойдил киришдик. Тошкадидан нафақат ўйинчоқлар, балки гулдон, туздон ва бошқа буюмлар туркумини тайёрлаб маҳаллий бозорларда синаб кўрдик. Маҳсулотимиз қўлма-қўл бўлиб кетди. Ҳатто Тошкентдаги «Орзу-грант» меҳмонхонасида хорижликлар кадидан тайёрланган маҳсулотларимизни жон-жон деб харид қилишди. Бу ишимизга янада астойдил киришишга ундади. Олти-етти киши тошкадиларга оро бериб, маҳсулот тайёрлашга астойдил киришдик. Эътиборли жиҳати, «Ташаббус-2005» кўрик-танловининг туман босқичида «Энг яхши тадбиркор» номинацияси мутлоқ ғолиблигини қўлга киритдик. Вилоятда ҳам фахрли ўринни эгалладик.

**Х.ЭГАМБЕРДИЕВА,**
**мусаввир**



# МЕҲНАТ САМАРАСИ ДАРОМАДДА КЎРИНДИ

Тадбиркорлик - истиқлол берган имкониятлардан бири. Энг муҳими мустақиллик туфайли одамларда изланиш, яратиш иштиёқи кучайди. Бу эса турмушимиз фаровонлашувига хизмат қилаяпти.

Биз ҳам мулк соҳиби бўлиш, ўз даромадимизга эгалик қилишни орзу қилганмиз. Бундай имконият берилди. Хўш ундан қандай фойдаланаяпмиз? Қайси жиҳатларимиз билан ўз мулкимизни асраяпмиз. Қолаверса элга, жамиятга нима бера олдик? Тан олиш керак ер олишга ихлосмандлар бисёр. Аммо ундан юқори самара, мўл ҳосил яратишнинг ўзи бўлмайди. Машаққатли меҳнат, дала ташвишларига дош берган инсонгина ҳақиқий мулкдор бўла олади. Биз ҳам даставвал 60 гектар ер олгандик. Илк ишимиз пайкал бошида уч хонали дала шийпони, ишчилар учун ошхона, новвойхона қурдик. Ерни эпақага келтирдик. Буғдой ҳосилдорлиги 18 центнердан 40 центнергача, пахта 10 центнердан 25 центнергача ошди. Самарали меҳнатимиз маҳсули даромадимизда кўринди. Ўтган йили 20 миллион сўм соф фойда олдик.

Ерни кенгайтириш ниятимиз бор эди. Шу боис "Машхолдинг" тасарруфидаги экин майдонларини ҳам еримизга қўшдик. Оқибатда 200 гектарлик яхлит пайкал ҳосил бўлди. Аъзоларимиз сони ўн нафардан 30 кишига етди. Улар учун далада барча шароитни яратиб берганмиз. Ошпазлар тайинлаб, ҳар куни икки маҳал иссиқ овқат, бир маҳал нонушта билан бепул таъминлаб келаяпмиз. Кунига уч маҳал иссиқ нон ёпиш имконимиз бор. Муҳими, маҳсулотни бозордан харид қилмаймиз. Ҳаммаси ўзимиздан чиқади.

Бу йил астойдил ишладик. 78 тонна сара дон топширишга шартнома имзолагандик. Келишувни 120 фоизга уддаладик. Қарийиб юз тоннага яқин буғдойни ўз омборимизга тўкдик. Ҳар гектар майдон ҳосилдорлиги 60 центнердан ошди. Барча аъзоларимиз эҳтиёжлари ўрганилиб бир йилга етгулик буғдой билан таъминланди. Пахтачиликдан ҳам юқори ҳосил кутаяпмиз.

Демоқчиманки, меҳнат қилган ҳеч маҳал кам бўлмайди. Айниқса, бизнинг юртимизда деҳқонга ғамхўрлик бор. Олдимизда биргина вазифа - ўзимиз, оиламиз учун ишлашимиз лозим. Ишлаган тишлайди. Буни ўз фаолиятимиз мисолида кўраяпмиз. Даромаддан қўша-қўша техникалар олаяпмиз. Уй қураяпмиз. Пешона теримиз, меҳнатимиз маҳсули бу. Ўзбек деҳқони ҳозиргидек эркин, ўзига-ўзи бек бўлмаган. Бунинг қадрига етиш керак.

**Қ.МАМАДАЛИЕВА,**
**Оқолтин туманидаги «Ғулом ота» фермер хўжалиги раиси**

*Шукрона*

# ҲИММАТ

Маҳалладошимиз Эргаш Омонов тақдир сўқмоқларида якка ёлғиз қолиб кетмади. Гарчанд ота-онасидан эрта ажрасада, маҳалла бағрида бекаму кўст улғайди. Эр йигит далада ишлашга отланди. Тўғриси, ҳар йигитга оила, ширин турмуш вожиб. Бу савобли ишни қишлоғимиз тадбиркорлари ўз зиммасига олишди.

Бутун маҳалла бир ёқадан бош чиқариб келин ахтарди. Йигитга муносиб қайлиқ топишди. Барча сарф-харажатларнинг аксариятини тадбиркорлар Рустам Холбоев, Турғунбой Эргашев, Эргаш Пардаев, Наби Мусурмоновлар кўтаришди. Маҳалла ва қишлоқ оқсоқоллари тўйга бош-қош бўлишди. Таъбир жоиз бўлса маҳалламиздаги бахтли хонадонлар сони биттага кўпайди. Бу ҳиммат кўпчилик ёдида узоқ сақланиб қолиши тайин.

**С.ХЎЖАҚУЛОВА,**
**Турғун Аҳмедов номли маҳаллада яшовчи уй бекаси**

*Қонун барчага баробар*

# ШЕРИК ПАНД БЕРСА...

***Тадбиркор – давлат муҳофазасида. Унинг самарали фаолият юритишига кенг йўл очилган. Бугун ишбилармон ишига аралашиш, йўлига ғов бўлиш каби иллатлар барҳам топди. Бу борада бошқа муаммолар йўқми? Улар қай йўсинда ечилаяпти?***

Давр шитоби тадбиркорликка, уддабуронликка ўргатаяпди. Энг муҳими, улар ҳар доим ишончли ҳимояда. Бу ҳолат хусусий субъектлар иқтисодиёти юксалишида ҳам кузатилаяпди. Шу ўринда кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Аммо гап бу ҳақда эмас. Нафсиламбирини айтганда, айрим тадбиркорлар, хусусан, фермер хўжаликлари дуч келаётган баъзи кўнгилсизликлар хусусида тўхталиб ўтишни лозим топдик.

Инсон ишончли шерикка умид боғлайди. Аммо ҳамкорнинг панд бериши оқлаб бўлмас ҳолат. Таассуфланарлиси, айрим дала соҳиблари молиявий оқсаб қолишида шерикларнинг ноҳолислиги сезилиб қолаяпди. Хусусан, Сирдарё туманидаги «Алихўжа-Азиз» фермер хўжалиги ана шундай муаммога дуч келди. Бундан икки йил илгари ташкил этилган хўжалик тумандаги «Шошкор» ширкат хўжалигидан 22,1 гектар ердаги тайёр экилган буғдойзорни қабул қилганди. 2004 йил ҳосили учун «Шуҳрат» акциядорлик жамияти билан шартнома имзоланди. Унга мувофиқ фермер 46,6 тонна дон маҳсулотини етказиб бериш мажбуриятини олади. Ўша қиш, кўкламу ёз мулк соҳиблари тиним билмади. Сўз бердингми, уддасидан чиқ қабилида иш тутган тадбиркорлар баракали хирмон тиклашади. Шартномада кўзда тутилганидан ҳам ошиқроқ буғдойни, аниқроғи келишувни 102,8 фоизга уддалашади. Аммо қабул корхонаси омборга келиб тушган маҳсулотга якуний ҳисобни 7 кун ичида амалга ошириб, далолатнома тузишни зиммага олсада, бу юмушни пайсалга солган. Фермер хўжалиги раҳбарини овора-ю сарсон қилиш йўлига ўтган. Мушук-сичқон ўйини шу йилнинг март ойига қадар давом этди. 2 миллион 204 минг 775 сўмлик ҳақини ундиролмасдан азият чеккан фермер адлия идораларига мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Тадбиркор ҳуқуқи қонун ҳимоясида. Шу боис унинг мурожаати ҳуқуқшунослар эътиборидан четда қолмади. Хўжалик судига даъво аризаси киритилди. Масалани холисона баҳолаган суд фермер фойдасига юқоридаги асосий қарз ҳамда шартнома шартларини ўз вақтида бажармаганлиги учун 504 минг 859 сўм жарима ундириш ҳақида қарор қабул қилган.

– Адолат қарор топди. Меҳнатимиз зое кетмади, – дейди хўжалик раҳбари А.Алжонов. – Тўғри молиявий томондан муайян йўқотишлар бўлди. Аммо суд бунинг ҳаммасини ҳисобга олди. Ҳукуматимиз ғамхўрлигидан беҳад мамнунмиз. Боёвут туманидаги «Абдуғани Аҳмад ўғли» фермер хўжалиги ҳам худди шундай аҳволни бошидан кечирди.- Тадбиркорлар «Боёвут» пахта тозалаш корхонаси билан 2004 йил пахтаси учун шартнома имзолаган. Ўзаро келишувга мувофиқ 80 тонна пахта етказиб берилиши керак эди. 80 фоиз маблағни етти кун ичида тўлаб беришни зиммасига олган корхона ўз сўзи устидан чиқолмади. Ўртадаги сур-сур, асаббузарлик анча давом этди. Фермер қўли билан бериб, оёғи билан югураётганидан нолиса, корхона ҳисобида пул йўқлигини рўкач қилар, хуллас томонлар бир битимга келишда анча қийналишди. Фермернинг ҳақли талаби, эътирози корхона йўлакларида қолиб кетаверди. Оқибатда нобоп шерикдан панд еган тадбиркор ҳуқуқ ҳимояси идоралари эшигини чертишга мажбур бўлди. Томонлар фикрини, дилларини қунт билан ўрганган суд фермернинг ҳақли талабини қондирди. Натижада пахта тозалаш корхонаси маҳсулот пулига анчагина жарима қўшиб беришга мажбур бўлди. Бу асаббузарликдан ким ютди. Албатта ҳеч ким. Фермер нақд бир мавсумни пул кутиб, қийналиб ўтказди. Корхона эса молиявий дардига яна дард қўшди, холос.

**Н.ШАМСИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**



# 170 АЁЛ ИШЛИ БЎЛДИ

«Сайҳунмедтекс» Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонаси фаолиятининг илк кунлариданоқ экспортбоп маҳсулот тайёрлашга киришди. Бошқача айтганда, калава ип ва трикотаж маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона «Сарбонтекс» сингари залворли одимлай бошлади. Айни чоғда кунига 10 тоннагача калава ип ишлаб чиқаришга эришилаяпди.

170 нафардан ошиқ аёллар иш билан таъминланган меҳнат жамоасида қатор қулайликлар яратилган. Корхона ходимларининг ўртача ойлик маоши 50 минг сўмни ташкил этаяпди. Ходимларни махсус автобуслар манзилларига элтиб қўйишади.

**Б.РУСТАМОВА,**
**етакчи мутахассис**

# ЎЛИМ ЖАЗОСИНИ

## жазо тури сифатида бекор қилишнинг ўзига хос хусусиятлари

(Боши 1-бетда)

Миллий жиноят қонунчилигимиз, яъни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 51-моддасининг иккинчи қисми бўйича ўлим жазоси аёлга, олтмиш ёшдан ошган эркакка ва ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсга нисбатан тайинланиши мумкин эмас, деб белгиланганди. Шунинг ўзиёқ Ўзбекистонда ўлим жазосининг қўлланилиши жаҳондаги тенденцияларга мувофиқ аста-секин, босқичма-босқич камайиб борганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Президентининг "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги Фармонига кўра Ўзбекистон Республикасида 2008 йил 1 январидан жиноий жазо тури сифатида ўлим жазоси бекор қилиниб, унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси жорий этиладиган ҳамда бу жазоларни фақат Ўзбекистон Республикаси Олий суди, жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судлари томонидан тайинланиши, жиноят содир этганлик учун умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар жазони махсус тартибли жазо ижро этиладиган ихтисослаштириладиган муассасаларда ўташлиги белгилаб қўйилди.

Фармондан келиб чиққан ҳолда бу борадаги муҳим вазифалар - жамоатчилик ўртасида кенг кўламли тушунтириш ишларини олиб боришни йўлга қўйиш бўлиб, ушбу жараёнда аҳолига ўлим жазосидан воз кечиш сабабларининг мазмун-моҳияти чуқур тушунтирилиши, иккинчидан, хорижий давлатлар қонунчилиги ўрганилиб таҳлил қилиниши ва қонунчиликка тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши, учинчидан, ўлим жазоси ўрнига тайинланадиган умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси ижросини таъминлашга қаратилган ташкилий чоралар кўрилиши лозим.

Ўзбекистонда ўлим жазосини тўла бекор қилиш учун фуқаролар бу соҳада мамлакатда юзага келган вазиятни англаб етишлари, ҳукуматимиз томонидан қўйилган мақсадларга эришиш борасида танланган стратегиянинг сиёсий, ижтимоий ва ҳуқуқий самарадорлигига тўғри баҳо беришлари, мазкур қарорнинг фойдали ва афзал жиҳатларини ўзлари атрофлича ўрганиб чиқишларига ёрдам бериш керак. Бунинг учун ҳамма жойда, барча даражаларда: радио ва телевидениеда, матбуот орқали, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда, маҳаллаларда маърузалар қилиш ва фуқаролар билан суҳбатлар ўтказиш йўли билан кенг ахборот-тушунтириш ишлари олиб бориш лозим. Бунда фақат ўлим жазосини бекор қилиш зарурлигини қайд этиш билан кифояланмаслик керак. Асосий эътибор мазкур заруриятни белгиловчи сабаблар ва омилларга қаратилиши лозим. Хусусан, қўйилган муаммонинг ижобий ҳал қилиниши Ўзбекистон миллий қонунчилиги билан ЕИ мамлакатлари қонунчилиги янада яқинлашишига имконият яратади, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги мавқеи ва обрўсини мустаҳкамлайди; чинакам демократик, инсонпарвар жамиятда, шунингдек демократия ва инсонпарварлик тамойилларининг тантанасига интилаётган, инсон ҳаётини олий неъмат ва инсоннинг ажралмас ҳуқуқи сифатида қўриқлаётган жамиятда ўлим жазосининг қўлланилиши ўринли эмас. Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатда жиноятчини ҳаётидан маҳрум этмасдан, маданий, инсонпарварлик тамойилига асосланган ва одил йўллар билан ҳам жазолаш мумкинлигини одамлар тушунишлари лозим.

Хулоса қилиб айтганда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги Фармони давлатимизнинг жиноятга оид сиёсати ўлим жазосини қўллашга нисбатан жаҳон тенденцияларига тўла мос келиши ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида эълон қилинган инсонпарварлик ва одиллик тамойилларини изчил ифодаси эканлигини ифодалайди.

**Қ. ПАЙЗУЛЛАЕВ,**
**Ш. АБДУҚОДИРОВ,**
**Тошкент Давлат юридик институти "Жиноят ҳуқуқи" кафедраси ўқитувчилари**



Ёз – болажонларнинг севимли фасли. Негаки, улар иссиқ кунларда дам олишга ошиқади. Оромгоҳларда, турли дам олиш манзилларида мириқиб ҳордиқ чиқаради, дўстлар орттиради. Ўзлари қизиққан машғулотлар билан машғул бўлади. Ургут туманида жойлашган «Ёш геолог» оромгоҳи уларнинг айнан шундай севимли масканлари сирасидандир.

Ушбу маскан қарийб қирқ йилдан буён фаолият кўрсатмоқда. Унга тажрибали мутахассис, ўз ишининг фидойиси Владимир Великанов раҳбарлик қилади. У жонкуярлиги, болаларга бўлган меҳр-муҳаббати боис умрининг ўттиз етти йилини ушбу оромгоҳ ҳаёти билан боғлаган.

**Суратларда: «Ёш геолог» оромгоҳи болажонлар билан гавжум.**

**Т.НОРҚУЛОВ**
**(ЎзА) олган суратлар**



*Футбол*

### «ТОРПЕДО»НИНГ УЧИНЧИ ХАРИДИ



Москванинг «Торпедо» жамоаси ёз мавсуми давомида ўз сафига учинчи футболчини сотиб олди. ЦСКА таркибида 2003 йил мавсумида тўп сурган ҳамюртимиз Александр Гейнрих энди ушбу клуб сафида тўрт йил мобайнида майдонга тушади.

«Оқ-қора»лар сафига яна икки футболчи -Юрий Лайзанс ҳамда Эмир Спахичлар ҳам қўшилди.

### БЕКХЭМ ШАРТНОМАСИНИ УЗАЙТИРДИ



Англия терма жамоаси ярим ҳимоячиси Девид Бекхэм ўзи ўйнаётган «Реал» жамоаси билан шартномасини яна икки йилга чўзди. Футболчи ўтган мавсум охирларида клуб хўжайини Флорентино Перес билан учрашувда ушбу масалани очиқ қолдирганди. Энди у жамоа сафида яна икки мавсум ўйнашга рози. Бу нафақат унинг шахсий қарори, балки оила розилиги ҳамдир.

*Профессионал бокс*

### ВЛАДИМИР КЛИЧКОНИНГ НАВБАТДАГИ ЖАНГИ

Украиналик машҳур боксчи Владимир Кличко навбатдаги жангини 24 сентябр куни нигериялик Самюэл Питерга қарши ўтказади. Ушбу жанг WBO биринчи енгил вазнининг Мигел Кото ва Жанлука Бранко ўртасидаги чемпионлик учун кечадиган учрашув билан бир вақтда бўлиб ўтади.

Мутахассислар навбатма-навбат ўтиши кутилаётган мазкур баҳсларнинг энг қизиғи Кличко иштирокидагиси, дея эътироф этишмоқда. Гарчи ушбу баҳс шоу-жанг сифатида ўтса ҳам, чемпионлик жангидан кўра кўпроқ қизиқиш уйғотмоқда. Чунки ака-ука Кличколар ҳозирги пайтда жаҳондаги энг кучли боксчилар сирасига киради.

### ЖЕМС ТОУНИ ЯНА РИНГДА

Профессинал бокснинг WBA йўналиши бўйича жаҳон чемпиони Жон Руисни мағлубиятга учратган, бироқ допинг моддаси исътемол қилгани учун дисквалификация қилинган Жеймс Тоуни яна рингга қайтадиган бўлди.

У навбатдаги жангни 1 октябр куни Доминик Гуиннага қарши ўтказади.

*Баскетбол*

### ХОЛДЕН РОССИЯДА ЎЙНАЙДИ



Россия терма жамоаси ўз таркибига америкалик баскетболчи Холденни таклиф этди. Россия фуқаролигини олган баскетболчи терма жамоа таркибидаги биринчи расмий ўйинини Сербия ва Черногорияда бўлиб ўтадиган Европа чемпионатида бошлайди.

Халқаро баскетбол ассоциацияси қоидаларига муофиқ ҳар қандай давлат фуқаролигини олган баскетболчи шу юрт шарафини ҳимоя қилиши мумкин. Агар у бошқа мамлакат терма жамоасида майдонга тушмаган бўлса.

Шундай қилиб, Россия терма жамоасида ўзга юртда улғайган, ҳозирда шу юрт терма жамоасида ўйнаётган баскетболчилар сони учтага етди. Холдендан олдин жамоада собиқ украиналик Виктор Хряпа ва ўзбекистонлик Пётр Самойленколар ўйнаётган эди.

*Енгил атлетика*

### ХЕЛЬСИНКИДА КАТТА БАЙРАМ

Финландияда ўтиши кутилаётган навбатдаги жаҳон чемпионати баҳсларида 209 та миллий федерациялар қатнашиш учун ариза берди. Очилиш тантаналарда фақатгина Афғонистон ва Бутан давлатлари байроқлари бўлмайди. Чемпионатда 1900 нафар спортчи, 1100 нафар мураббий, массажист ва врачлар қатнашади. Журналистлардан 3300 нафари рўйхатдан ўтган. Шунингдек, Хельсинки шаҳрига олти мингдан ўн минггача сайёҳлар ташриф буюриши кутилмоқда. Чемпионат ташкилотчиларига 3200 дан зиёд кўнгиллилар ёрдам беради.

### ҚАЕРДАСАН, ПАУЭЛЛ ?

Иштирокчилар жойлашиши кутилаётган «спортчилар қишлоғи» га биринчи бўлиб етиб келган, 100 метрга югуриш бўйича олимпия чемпиони Жастин Гэтлин рақиби жаҳон рекордчиси ямайкалик Асафи Пауэллнинг чемпионатда иштирок этмаслигини эшитиб, ранжиб қолди.

*Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари*

# МУСТАҚИЛЛИК

## инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг асосий омили

***Мамлакатимизда мустақиллик шарофати туфайли шахс ўз қадр-қиммати, ор-номуси ва ғururини англаши, «Мен - эркин инсонман» деган туйғуни теран ҳис этиб яшаши учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Зеро, мустақиллик - бу ҳуқуқ. Мустақиллик инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг асосий омилидир. Асосий Қонун - Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари орасида касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш ҳуқуқи мавжуд экани ҳам истиқлол самарасидир.***

***Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан аҳолининг турли ижтимоий ва социал гуруҳлари манфаатларини ифодаловчи, юртимизда шаклланаётган фуқаролик жамиятининг асосий институтлари бўлган ноҳукумат ва жамоат ташкилотларининг нуфузи ҳамда таъсирини кучайтириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.***

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси, юридик фанлар доктори, профессор Акмал САИДОВ билан юртимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларининг бориши, нодавлат нотижорат ташкилотларини янада ривожлантириш ва ушбу ташкилотлар фаолиятининг ҳуқуқий кафолатларини таъминлаш борасидаги ишлар ҳақида суҳбатлашдик.***

- Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, мамлакатимизнинг демократик янгиланиш ва эркин ижтимоий тузумга хос бўлган барча асосий қадриятларни ўзида мужассам этган адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги босқичма-босқич, изчил ҳаракати ҳозирги кунда ҳеч қандай куч тўхтата олмайдиган муқаррар, қонуний жараёнга айланди, - дейди А.Саидов. - Мазкур дастурий маърузада бу йўлдаги эзгу саъй-ҳаракатларимизни янги босқичга кўтаришга қаратилган устувор вазифалар аниқ белгилаб берилди.

Шуниси диққатга сазоворки, олдимизга қўйган асосий мақсад ва вазифалар истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ ҳаётга кенг татбиқ этиб келинаётган, мамлакатимизни модернизация қилиш борасида узоқни кўзлайдиган «Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилига асосланган. Бу - демократик ислоҳотларимиз изчил, тадрижий, босқичма-босқич ва узлуксиз жараён эканлигининг яна бир исботидир.

«Фуқаролик жамияти» деган тушунчанинг туб илдизлари халқимизнинг неча минг йиллик олис тарихига бориб тақалиши айни ҳақиқатдир. Фуқаролик жамиятининг ноёб ва бетакрор миллий институти бўлмиш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жумладан, миллий демократия мактаби - маҳаллалар фақат бизнинг халқимиз турмуш тарзига, жамиятимиз ҳаётигагина хос экани ҳам шундан далолатдир.

Шу ерда савол туғилади: фуқаролик жамияти институтлари нима ва улар жумласига қандай ташкилотлар киради?

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллалар, сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, жамоат бирлашмалари ва жамоат фондлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари фуқаролик жамиятининг нафақат асосини ташкил этадиган, балки мазмун-моҳиятини ҳам белгилаб берадиган асосий институтлардир. Фуқаролик жамияти институтлари мақсад ва вазифаларининг асосий йўналиши мамлакатимизда демократик қадриятлар ва тамойиллар, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

Фуқаролик институтлари, биринчи навбатда, аҳолининг ижтимоий фаоллигини оширишда, миллий ўзликни англашда, жамият аъзоларининг сиёсий маданияти ва маънавий дунёқарашини юксалтиришда кўмаклашмоғи зарур. Улар кишиларимиз ҳеч кимдан кам эмаслиги ва ҳеч кимдан кам бўлмаслигини ҳис этиб яшашида, мустақил фикр-мушоҳада юритишида, ўз салоҳияти ва қобилиятидан самарали фойдаланишида, бир сўз билан айтганда, буюк келажакни барпо этишга қаратилган барча саъй-ҳаракатларида ҳамюртларимизга камарбаста бўлмоғи даркор.

Президентимиз уқтирганидек, «нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ривожланган тизими жамиятда манфаатлар уйғунлигини қарор топтириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилиши лозим. Бу тизим давлат тузилмалари фаолиятини муайян маънода тўлдириши, уларга нисбатан маълум бир мувозанатни таъминловчи восита вазифасини бажариши керак».

Энг муҳими, фуқаролик жамияти институтларининг халқ орасида обрў-эътибори ортиб, мавқеи мустаҳкамлангани сари улар давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширадиган асосий воситага айланиб боради.

Кези келганда, миллий қонунчилигимизда биргина фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан 18 та йўналишда жамоатчилик назоратини амалга ошириш имкониятлари кўзда тутилганлигини эслатмоқчиман. Аммо, ҳозирча ана шу қонуний жамоатчилик назорати имкониятларидан етарли даражада фойдаланилмаяпти.

**- Фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан бири нодавлат нотижорат ташкилотларининг аҳамиятини қандай баҳолайсиз?**

- Ҳозирги кунда мамлакатимизда 5 мингдан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари ҳам жуда хилма-хил. Юртбошимиз ҳақли равишда таъкидлаганидек, «одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлашда, уларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллигини оширишда, мамлакатда рўй бераётган демократик ўзгаришларнинг кўламини кенгайтириш ва чуқурлаштиришда бу ташкилотларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир».

Шу билан бирга, нодавлат нотижорат ташкилотларини тузишдан кўзланган асосий мақсад бундай ташкилотларнинг сонини ёхуд турини кўпайтиришдан иборат эмас.

Улар, аввало, фуқаролик жамияти шаклланиши ва равнақ топишига кўмаклашиши зарур. Айни вақтда жамиятимизда мавжуд турли манфаатлар, борингки, қарама-қарши кучлар ва ҳаракатлар ўртасидаги мувозанатни таъминлайдиган самарали механизм сифатида ҳаётимизнинг барқарор ва мустаҳкам тараққиётини кафолатлаш йўлида хизмат қилиши даркор.

Мустақиллик йилларида фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш бўйича бир қатор ташкилий-ҳуқуқий ва моддий қўллаб- қувватлаш чоралари амалга оширилди. «Маҳалла», «Соғлом авлод учун», «Нуроний», «Сен ёлғиз эмассан» ва Болалар спортини қўллаб-қувватлаш жамғармалари, шунингдек, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати сингари нодавлат нотижорат ташкилотлари давлат томонидан ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантирилгани шулар жумласидандир.

Айниқса, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратилгани катта аҳамиятга эга бўлди. Истиқлол йилларида, жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари, жамоат фондлари, касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисидаги каби бир қатор қонунлар қабул қилинди. Оммавий ахборот воситалари, журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш, ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисидаги қонунларнинг кучга кириши катта ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этди.

**- Яқинда Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси тузилгани ҳам диққатга сазовордир...**

- Ушбу Ассоциация мамлакатимизда демократик тамойилларнинг ҳаётга татбиқ этилишини рағбатлантириш, республика нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ифода этиш, уларни ҳимоя қилиш ҳамда ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, демократик кучларни бирлаштириш мақсадида ихтиёрийлик, эркинлик ва тенглик асосида тузилди.

Ассоциация Ўзбекистондаги барча нодавлат нотижорат ташкилотлари учун очиқдир. У эркин фикр билдириш, ихтиёрий аъзо бўлиш ва аъзоликдан тўсиқсиз чиқиш, аъзоларнинг тенглиги, ошкоралик, очиқлик, кўпфикрлилик, ўзини ўзи бошқариш ва қонунийлик принциплари асосида фаолият юритади.

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясининг асосий мақсадларига, аввало, аъзо нодавлат нотижорат ташкилотларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётини янада эркинлаштириш ва демократлаштириш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш, демократик қадриятларни мустаҳкамлашдаги иштирокини, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-маданий ҳаётдаги фаоллигини, ҳуқуқий давлат асосларини мустаҳкамлаш ва инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги ўрнини янада кенгайтириш масалалари киради.

Ассоциация кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, давлат ва жамият ҳаётида нодавлат нотижорат ташкилотлари мавқеини янада мустаҳкамлаш, уларнинг кучларини бирлаштириш, ўзаро ҳамкорлигини кенгайтириш, ишончли ва ҳаққоний ахборот борасидаги эҳтиёжини таъминлаш, интеллектуал, моддий-техникавий ва бошқа ресурсларини энг зарур, аҳамиятли дастур ва лойиҳаларни бажаришга сафарбар этиш жараёнларида қатнашади.

У давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан мувозанатда ўзаро манфаатли икки томонлама музокаралар орқали жамиятнинг турли ижтимоий манфаатларини ифода этишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштирокини таъминлайди. Давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолияти устидан жамоат назоратини йўлга қўяди. Нодавлат нотижорат ташкилотлари давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан муносабатлар ўрнатишининг самарали тизимларини ишлаб чиқади.

Ассоциация аъзо нодавлат нотижорат ташкилотларига моддий- техника базасини мустаҳкамлаш, замонавий технологияларни жорий этиш ишларида ҳам ёрдамлашади, уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди. Нодавлат нотижорат ташкилотларида меҳнат қилаётган ходимлар малакасини ошириш, уларни ҳар томонлама ижтимоий муҳофаза қилиш жараёнларида фаол иштирок этади.

Шунингдек, Ассоциация демократик ва инсонпарварлик тамойилларига асосланган халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик ўрнатади, устувор йўналишлар бўйича биргаликдаги дастурларда қатнашади ҳамда инсон ҳуқуқлари ҳимояси борасидаги ишларни ўрганади. Давлат органлари ва халқаро ташкилотлар билан биргаликда нодавлат нотижорат ташкилотларини ҳар томонлама рағбатлантирадиган жамғармалар тузади, уларга молиявий кўмаклашишнинг бошқа самарали тизимларини яратишга бош-қош бўлади.

Айтиш жоизки, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш, уларни ягона, кучли фуқаролик жамияти институти сиймосида ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни йўлга қўйиш зарурати анчадан буён мавжуд эди. Эндиликда ана шу эҳтиёж қопланди. Ассоциация ҳузурида Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш фонди ҳам тузилди.

**- Ушбу Фонд фаолияти ҳақида ҳам қисқача тўхталсангиз.**

- Янги Фонд, юридик мақомига кўра, аъзолиги бўлмаган хайрия нодавлат нотижорат ташкилотидир. Фонд аҳоли эътиборини қозонган, кишиларимиз манфаатларини қаноатлантириш ва ҳимоя қилиш борасида зиммасига олган вазифаларни мустақил ҳал этиш лаёқатига эга фуқаролик жамияти институтларини, биринчи навбатда, нодавлат нотижорат ташкилотларини рағбатлантириш учун мўлжалланган зарур моддий ресурслар ва молия маблағларини жамлаш, жумладан, маҳаллий, хорижий ва халқаро ташкилотлар ҳамда молиявий институтлар грантларини жалб этиш билан шуғулланади.

Фонд ўз маблағларини, хусусан, нодавлат нотижорат ташкилотларининг муҳим социал-иқтисодий, гуманитар ва бошқа шу каби катта ижтимоий аҳамиятга молик муаммоларни ҳал этишда фуқароларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишни кўзда тутадиган лойиҳа ва дастурларини молиялаштиришга йўналтириши ҳам диққатга лойиқдир.

Бундан ташқари, Фонд нодавлат нотижорат ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларга ҳуқуқий, тавсиявий, ташкилий, техник ва бошқа хил ёрдам кўрсатиш, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ривожлантириш бўйича турли тадбирлар ўтказиш билан боғлиқ лойиҳа ва дастурларни амалга оширишда молиявий кўмаклашади.

**- Фуқаролик жамияти институтлари ва демократия. Ана шу тушунчалар ўртасидаги узвий алоқадорликни қандай изоҳлайсиз?**

- Ҳақиқатан ҳам, демократик ҳуқуқий давлатни кучли фуқаролик жамияти институтларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис мамлакатимизда истиқлолнинг илк йилларидаёқ демократик янгиланиш, эркин фуқаролик жамиятини қуриш йўли танлаб олингани бежиз эмас.

Президентимиз Ислом Каримов уқтирганидек, бу йўлни ҳар ким ўзига хос йўсинда босиб ўтади. Ўзбекистон демократиянинг фундаментал тамойилларига асосланган, уларга қатъий риоя этган ҳолда, айни пайтда ўз ҳаракатларини халқимизнинг тафаккури, неча минг йиллик турмуш тарзи билан мувофиқ равишда олиб бормоқда.

Фуқаролик жамияти институтлари фаолиятида демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, кишиларнинг қонуний манфаатлари ҳимояси алоҳида аҳамият касб этиши шарт. Бизнинг фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришдан мақсадимиз, аввало, кишиларимиз онгига демократик қадриятларни изчиллик билан сингдириб боришдир.

Бунинг замирида ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва қобилиятига таяниб яшайдиган, атрофида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабатда бўладиган, шу билан бирга, ўз шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган юксак маънавиятли шахсни шакллантириш учун барча зарур шарт-шароитларни яратишга қаратилган саъй-ҳаракатлар мужассамдир.

Фуқаролик институтлари мустақил ва эркин оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда жамоатчилик фикри ва ижтимоий дунёқарашни ифода этиш билан чекланиб қолмай, айни чоғда уларни шакллантиришга ҳам хизмат қилиши тақозо этилади. Зотан, кишиларимиз онги ва тафаккурига демократик қадриятларни чуқур сингдириб бормоқ лозим.

Яқинда россиялик давлат арбобларидан бири «рангли инқилоблар» масаласига ўз муносабатини билдирар экан, «Демократия - картошка эмаски, уни бировнинг полизидан олиб келиб эксанг ва ундирсанг», деди. Дарҳақиқат, демократия четдан олиб келинмайди, у импорт қилинмайди. Демократияни ташқаридан кимлардир тиқиштириши ҳам мумкин эмас. Ёки уни биров туҳфа этмайди.

**- Юртимизда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш истиқболлари қандай?**

- Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш истиқболлари давлатимиз раҳбарининг нутқ ва маърузаларида ҳамда «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш дастури»да аниқ белгилаб берилган. Бугунги кунда ушбу Дастур режалари изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Бундан кўзланган мақсад - мамлакат ижтимоий ҳаётини ва давлат қурилишини демократлаштиришда фуқаролик жамияти институтлари ўрни ва аҳамиятини янада ошириш, уларнинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлашдан иборат. Чунки фақат эркин, молиявий жиҳатдан мустақил фуқаролик жамияти институтларигина ўз олдида турган вазифаларни тўлақонли адо эта оладилар.

Албатта, бунда уларнинг давлат органлари томонидан қўллаб-қувватланиши, умуман, давлат ва нодавлат ташкилотлар ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг кенг йўлга қўйилиши мақсадга мувофиқдир.

**- Фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

- Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида, хусусан, Қўмитамизда номи тилга олинган Дастур доирасида бир қанча янги қонун лойиҳалари устида жадал иш олиб борилмоқда.

Даставвал, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида тўхталмоқчиман.

Ушбу қонуннинг асосий мақсади нодавлат нотижорат ташкилотларининг ташкил этилиши ва фаолиятининг кафолатларини белгилашдан, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашдан, ижтимоий шерикликни кенгайтириш ва нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштиришдан иборатдир. Қонун лойиҳасида нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини таъминлаш ва қўллаб-қувватлашнинг давлат кафолатлари алоҳида моддаларда белгилаб қўйилади.

Давлат, лойиҳага кўра, субсидиялар, грантлар ва давлат буюртмалари бериш орқали нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлайди. Ҳатто давлат нодавлат нотижорат ташкилотларига жамоатчилик назоратини ривожлантиришга кўмаклашиш, унинг амалга оширилишига монелик қилишга йўл қўйилмаслигига қаратилган чоралар кўришга ҳам масъулдир.

Лойиҳада нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти эркинлигининг кафолатлари ҳам мустаҳкамланган. Хусусан, улар қонунда тақиқланмаган ва низомида белгиланган мақсадларга мувофиқ фаолиятнинг ҳар қандай турини амалга оширишлари мумкин.

Бундан ташқари, «Жамоат бирлашмалари тўғрисида», «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида», «Хайрия фаолияти ва ташкилотлари тўғрисида» каби янги қонунларга ҳам эҳтиёж сезилмоқда.

Пировардида таъкидламоқ лозимки, фуқаролик жамияти институтлари Ўзбекистон учун тарихан хос бўлган миллатлараро, динлараро, маданиятлараро тотувлик ва бағрикенглик ғояларини ҳамда демократик қадриятларни қарор топтиришга хизмат қилмоғи керак.

**ЎзА мухбири Ғулом МИРЗО суҳбатлашди.**



# ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

*Спорт-тест*

## КУЧИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ

**1.Мамлакатимизда биринчилардан бўлиб Эверест чўққисига байроғимиз ва гербимизни ўрнатган спортчи?**
а)Р.Ражабов
б)М.Бабур
в)М.Рацек
г)Р. Ҳолмухамедов

**2.«Пахтакор» футбол жамоаси қачон ташкил этилган?**
а)1952 йил
б)1954 йил
в)1958 йил
г) 1960 йил

**3.Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қачон қабул қилинган?**
а)1997 йил 10 декабр
б)1998 йил 5 июн
в)1999 йил 27 май
г) 2000 йил 4 март

**4.Кураш академиясининг биринчи президенти...**
а)Ж.Турсунов
б)Ф.Керимов
в)Р.Аҳмедов
г)Ҳ.Мирзаев

**5.2001 йилнинг «Энг яхши курашчиси» (Миллий кураш бўйича) ким?**
а)М.Маҳмудов
б)А.Кацурага
в)Б.Авазов
г)Б.Хўжаев

**6.Кўл тўпи қачон, қаерда ва ким томонидан кашф этилди?**
а)Бент Ларсон 1986 йил Дания
б)М.Евтушенко 1900 йил Россия
в)Нектон Нелсон 1898 йил Дания
г)Б.Чарльтон 1999 йил Англия

**7.Жисмоний ривожланиш қандай тушунчани билдиради?**
а)Организмнинг барча системаларини ривожлантириш.
б)Жисмоний қобилиятни ривожлантириш.
в)Кўп меҳнат қилиш ва мусобақалашиш.
г)Кишининг шахсий ҳаёти давомида организмнинг морфологик хусусиятларини табиий равишда ўзгартириш жараёни.



## "ЯНГИ АВЛОД-2005" ФЕСТИВАЛИ

"Янги авлод-2005" фестивали мамлакатимизнинг қатор шаҳарларида бўлиб ўтмоқда. Бу сафар фестивални ўзига хос кўтаринки руҳда ташкил этиш ва ўтказиш учун Фарғона вилояти танланди.

Гўзал Фарғона шаҳрида икки кун давом этган фестивалда Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятидан 130 нафарга яқин санъатнинг турли йўналишлари бўйича ижод қилаётган ёшлар қатнашишди. Асосий беллашувлар Фарғона давлат санъат коллежида бўлиб ўтди. Танлов мусиқа, ашула, рақс, шеърият, тасвирий ва амалий санъат йўналишлари бўйича ўтказилди. Ҳаяжонли ва муросасиз тортишувлардан сўнг фестивалнинг финал босқичи Тошкент шаҳрида ўтказиладиган бўлди. Финал босқичида иштирок этувчи қатнашчилар номи ҳам шу куни маълум бўлди. Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш кераккки, бундай фестиваллар ўзбек санъатида янги юлдузларнинг кашф этилишида ва халқимиз миллий санъатини янада ривожлантиришда замин яратади.

**"Туркистон-пресс"**

*Аждодлар ўгити*

# ОТА РОЗИ – ХУДО РОЗИ

***"ЭЙ ФАРЗАНД, билгилки, ақл юзасидан фарзандга ота-онани иззат ва ҳурмат қилиш вожибдур, нединким унинг асли ОТА ва ОНАдир... шул важдин ота-онангни сағал ҳам ранжитмағил...".***

("Қобуснома"дан)

Мавзунинг мураккаблиги шундаки, бу ҳақда ота-бола муносабати пайдо бўлган кундан буён қанча кўп қайғурилган бўлса, шунча кўп фикрлар айтилган ва шунга яраша қоғозлар қораланган. Айниқса, дунёда "шарқ донишмандлиги" номи билан машҳур бўлган хазинага асос солган аждодларимизнинг бу борада қолдирган мерослари беҳисобдир. Аммо ҳар қандай ғоя, ҳар қандай ҳикматли фикр ҳам тез-тез такрорланиб, эслаб турилган тақдирдагина авлоддан-авлодга етиб боради ва халққа хизмат қилади. Айниқса, буюк ўзгаришлар юз бераётган, янги, мустақил ҳаётга қадам қўйилаётган даврда аждодлар қолдирган ўгитларга қулоқ тутиш, уларга таянган ҳолда иш юритиш ғоятда муҳимдир: "Мозийга қайтиб иш кўриш хайрлик, дейдилар" (Абдулла Қодирий) ахир!

Китобларда зикр қилинишича, ота-онанинг фарзандда саксонта ҳақи бор. Улардан қирқтаси тириклик вақтида ва қолган қирқтаси улар оламдан ўтганларидан кейин фарзандлар томонидан адо этиладиган ҳақлардир. Тириклик чоғидаги қирқта ҳақнинг ўнтаси тилга, ўнтаси танга, ўнтаси дилга ва яна ўнтаси молга таааллуқлидир.

Тилга таалуқли бўлган ўнтаси шундан иборатки, авало, уларга мулойим муомала қил ва доимо тавозеда бўл. Иккинчи, уларга баланд овоз билан гапирма. Учинчи, уларга кўп гапирма ва кўполлик қилма. Тўртинчи, уларнинг отини айтиб чақирма. Бешинчи, улар гапираётганларида сўзларини бўлма. Олтинчи, уларнинг айтганларини рад қилма. Еттинчи, улар фалон ишни қил десалар, йўқ деб жавоб қилма. Саккизинчи, улар қичқириб гапирсалар ҳам, сен қичқирма. Тўққизинчи, уларнинг гапларига оҳ, уф деб хитоб қилма. Ўнинчи, уларнинг гапларида хато бўлса, сен тўғри бўлсанг ҳам эътироз қилма.

Танга таалуқли бўлган ўнта ҳақнинг энг муҳим жиҳатлари шундан иборатки, ота-онага доимо ҳурмат кўзи билан қаралади, қилма деб буюрилган ишлар қилинмайди, улар розилигисиз, ҳеч ишга қўл урилмайди. Улар ўтирадиган жойга асло ўтирмагайсан. Уларнинг олдида очиқ чеҳра билан ўтиргайсан. Қовоғингни солма, ҳўмрайиб қарама...

Машҳур ҳофиз Комилжон Отаниёзовнинг болалигида бўлиб ўтган қуйидаги воқеани уни гўдаклик чоғларидан яхши билган кишилар эҳтирос билан эслайдилар: "Комилжон беш-олти яшар бола пайти. Бир куни отасининг ҳурматли меҳмонлари келишди. "Комилжон, ўғлим, томга чиқиб, меҳмонларнинг отларига ўт сол!", деб буюради оталари. Чой ичилади, фурсат ўтади, лекин Комилжондан дарак бўлмайди. Ҳеч келавермагач, оталари ўғлини чақириб изласалар, беш яшар бола уйнинг бир бурчагида тиқилиб, йиғлаб ўтирган эмиш. Сабабини сўраса, айтибдики... "Ота, менга номаъқул юмуш буюрдингиз. Уйда ҳурматли кишилар ўтирса-ю, мен томга - уларнинг бошларига чиқиб, отларига ўт ташласам. Бу одобсизлик эмасми?.."

Машҳур ҳофизни камолга етказган Хоразмда ҳозир ҳам эсини таниган йигитлар оила каттаси - отасининг олдида, яъни у ўтирган хонада, даврада чордона қурмайдилар. Отаси ўтирган хонада чордона қурган фарзанд ўз падари бузрукворининг йўқлигини истаётган ва оила каттаси деб ўзини ҳис қилаётган бўлади. Шунингдек, бу воҳада бобоси ҳаёт бўлган болаларга ўз отасига "ака" деб мурожаат қилишни ўргатадилар. Агар болалар "ота" деб чақирсалар, бу ёш отанинг ўз отасига, яъни болаларининг бобосига ҳурматсизлиги, деб баҳоланади.

Отани ҳурмат қилишни болалар оналаридан ўрганадилар. Аммо минг афсуски, оиладаги носоғлом муҳит туфайли орамизда отасининг ҳурматини жойига қўйиш у ёқда турсин, унга қўл кўтараётган, ҳатто ўз отаси жонига қасд қилаётган падаркуш фарзандлар ҳам учраб турибди. Мана бир ҳаётий мисол: бундан бир неча йил муқаддам қирдан кекса отахоннинг жасади топилди! Даҳшатни қарангки, пул ва мол-дунё талашиб, уни ўз пуштикамаридан бўлган ўғиллари ўлдиришган ва мурдани кўмиб кетишган экан!..

Маълумотларга қараганда, бугунги кунда қариялар уйида яшовчиларнинг аксариятини фарзандлари бор ота-оналар ташкил этар экан! Н. исмли 82 ёшли отахонни Тошкентдаги қариялар пансионатига олиб келишганига уч ҳафта бўлган. Шундан бери у доим кўзига ёш олиб сўзлайди: "Менинг уйим, болаларим бор. Нега мени бу ерга ташлаб қўйишди?" деб ҳамширараю докторларни ҳол-жонига қўймайди. Отахоннинг саволига жавоб бериши керак бўлган кишилар - фарзандларидан эса дарак йўқ!..

Икки дунёсини куйдириб юрган бу каби ноқобил фарзандлар қулоғига "Ота рози - худо рози", "Қарини кафтингда сақла", "Эй ўғил, ҳаддингда тур, отанг сени сотганда ҳам..." қабилидаги доно ҳикматларни ва улуғ шоиримиз Бобораҳим Машрабнинг:

*Боғи ризвон истасанг, амри*
*падарга ёр бўл,*
*То отанг рози эмас, тавбанг*
*қабул бўлмас сенинг.*

**Сиддиқ МЎМИНОВ,**
**филология фанлари доктори**

# ТОТЛИ ЛАҲЗАЛАР

*Бахтли бўлинг*

Мустақил ҳаёт бўсағасида турган, оила қураётган ёшларга бахт тилаб, уларни "эр-хотин" деб эълон қилар эканман, дилимни ғурур, ифтихор туйғулари қамрайди. Бу лаҳзалар ҳаётимдаги энг ёқимли онлардир. Шукрким, бундай сониялар кўп. Ўтган йил 350, шу йил эса 140 жуфтликни расман никоҳдан ўтказдик. Йил бошидан бери 480 нафар гўдак гувоҳномали бўлди. 56 болага оталик белгиланди. Яна шунингдек, фуқаролик ҳолатларига доир талай ишлар амалга оширилди. Пировардида 688 минг сўм давлат божи тўланди. Бир миллион сўмлик ҳуқуқий хизмат кўрсатилди. Икки миллион сўм герб йиғими йиғилди.

Жамоамиз аҳил. Ҳар бир ишни пухта, бамаслаҳат режалаштирамиз. Афсонавий, нақшинкор биномиз киргандаёқ бахт ва муҳаббат қасри эканлиги сезилиб туради. Муҳташам залимиз чўғдек безатилган. Ён атрофимиз кўҳна, тарихий обидалар макони. Хива хонининг улуғвор кўшки кўр тўкиб турибди. Калтаминор, қатор масжид - жомеълар, мадрасалар, Паҳлавон Маҳмуд зиёратгоҳи шундоққина ёнимизда жойлашган. Олис мозий салобатига лол, мусиқа садолари оғушида бўлимимизга кириб келишнинг ўзига хос гашти бор. Бу тотли лаҳзалар келин-куёв қалбида абадий яшайди.

Жамият тараққиёти оила билан боғлиқ. Фарзанд эса оила дарахтининг мевасидир. Ота-она зурриёдига умид боғлайди. Ўзининг истиқболини унинг камолида кўради. Боласининг тўрт мучаси бутун, соғлом, маънавий баркамол бўлишини истайди. Афсуски, айрим ҳолларда шу қонуният бузилади. Турмушнинг сир-синоати кўп. Нохушликнинг сабаблари ҳам. "Яқин қариндошимнинг қизини келин қилгандим. Қаттиқ пушаймонман. Келиним ёмон эмас, бироқ ундан туғилган набирам ногирон", деб ўртанади Сожида исмли она. Қувондиқ билан Нозима бир ёстиққа бош қўйганди (расман никоҳдан ўтмаган). Кўп ўтмай ажраб кетишди. Боиси куёв жиддий хасталикка йўлиққан экан. Бундай мисоллар кўп. Кўриниб турибдики, оила қуришга енгил-елпи қараб бўлмайди. Шулар инобатга олиниб, никоҳ, оила қонун билан муҳофазаланган. Оила Кодексининг 17-моддасида никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш кафолатланган. 2002 йил 13 декабрда Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан: "Никоҳланувчи шахслар давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида бепул асосда тиббий кўрикдан ўтадилар". Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги қарори билан "Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида"ги "Низом" тасдиқланди ва унда никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказишнинг мақсади, моҳияти, аҳамияти, тартиби ва бошқа шартлари кўрсатилди. Биз шу ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ишлаяпмиз.



Бугунги пайтда шаҳримизнинг ҳар бир тиббий муассасаси қошида тиббий кўрикдан ўтказиш бўлими мавжуд. Бу фуқароларга катта қулайлик туғдиряпти. Шунингдек, бўлим қошида "Оила дорилфунуни" фаолият кўрсатмоқда. Ёшларни оилага тайёрлашдаги қизиқарли машғулотлар самарали бўлаяпти. Иш режасига асосан "Сиҳат-саломатлик йили" давлат дастури бўйича ҳар ойда янги мавзуларда суҳбатлар ўтказилмоқда.

"Соғлом оилалар" мавзуида маҳаллаларда ўтказилган давра суҳбатлари, учрашувлар ҳам умумишимизга кўмак бермоқда.

**Бекпошшо МАДРАИМОВА,**
**Хива шаҳар ФҲДЁ бўлими мудири**

## МЕДАЛЛАР ШОДАСИ

Японияда 1988-89 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида юнон-рум кураши бўйича ўтган Осиё чемпионатида муваффақиятли иштирок этган спортчиларимиз совринли ўринларни қўлга киритди. Курашчиларимиздан - Дониёр Абдуллаев, Артур Бердимуродов ва Нурбек Ҳошимбеков - кумуш, Элдор Ҳафизов ва Шерзод Ургучев бронза медаллар соҳиби бўлди.

**(ЎзА)**

*Турфа олам*

## БРАЙЛЬ АЛИФБОСИ

1809 йили Париж шаҳридаги оилалардан бирида соғлом бир бола дунёга келди. Унга Луи деган исм қўйишди.

Бахтга қарши бу бола уч яшарлигидаёқ кўр бўлиб қолди. Кўрлик азоби нима эканини билган Луи Брайль 16 яшар чоғидаёқ кўрларнинг ҳозир бутун дунёда қўлланиб келаётган нуқта-ҳарфли алифбосини туза бошлади. Тўғри, нуқта-ҳарфли арифбо Брайлдан илгари ҳам бор эди. Лан алифбоси деб аталадиган бу тизим 12 нуқтанинг ўрин алмашинишига асосланган бўлиб, жуда мураккаб эди. Брайлнинг энг катта хизмати шунда бўлдики, у узоқ давом этган машаққатли меҳнат эвазига нуқталар сонини икки баравар камайтириш йўли билан кўрлар алифбосини соддалаштиришга муваффақ бўлди. Кўзи ожизлар алифбосининг ҳар бир ҳарфи бандли махсус игна билан тешиладиган бирдан олтитагача нуқта билан ифодаланади. Бундай нуқта-ҳарфлар бутун дунёдаги кўзи ожизлар учун бир хилдир. Ўзбек тилидаги, «ў», «қ», «ғ», «ҳ» ҳарфлари-чи, деган савол туғилиши мумкин.

Булар ҳам ўша олтита нуқта ўрнини алмаштириш йўли билан ифодаланаверади. Нуқта-ҳарфли алифбо Брайль алфавити деб ном олган.

Париждаги кўр болалар мактабида узоқ йиллар давомида ўқитувчилик қилган Брайль нуқталар ўрнини алмаштириш йўли билан ҳарфлар, сонлар, тиниш белгилари ва метематик амалларни, ҳатто, нота ёзувини ифодалашнинг содда усулларини ишлаб чиқди.

## ДАРЁ ТРАМВАЙИ

Атлантика уммони қирғоқларидаги кўрфазлардан бирида яшовчи балиқчилар бир куни эрталаб ажойиб манзаранинг гувоҳи бўлдилар. Кўрфазнинг саёзроқ жойларида «дарё трамвайи» усталик билан сузиб борарди.

Қирғоққа келгач, у саёзликка ўтириб қолди. Лекин тўхтамади. «Трамвай» балиқчиларни лол қолдириб, ҳудди автобусга ўхшаб қирғоққа чиқиб юриб кетди.

Янги кўринишдаги бундай амфибияни франциялик конструкторлар саёз дарё қирғоқларида яшовчи аҳоли пунктларини бир-бирлари билан боғлашда фойдаланиш учун жуда кенг қилиб ишланган тўртта ғилдирак ўрнатилган бўлиб, бортига 150 йўловчини олади.

## КАДАСТР НИМА?

«Кадастр» лотинча сўз бўлиб, «солиққа тортиладиган ашёлар рўйхати» деган маънони англатади. Дастлаб кадастр ер солиғи манбаига оид китоб (реестр) сифатида тушунилган.

Кейинчалик у давлатнинг ҳисобга олиш, баҳолаш тадбирлари тузилишини ифодалайдиган бўлди.

Бугунги кунда ер кадастри ерларнинг табиий ҳолати, хўжалик ва ҳуқуқий аҳволи тўғрисидаги муттасил янгиланиб турувчи ишончли маълумотлар тизими ҳисобланади.

Ер кадастрининг асосий таркибий қисмлари ер участкаларига оид ҳуқуқларни рўйхатга олиш, ерларнинг миқдори ва сифатини баҳолашдан иборатдир.

**А.АЛИЕВ тайёрлади**

# НИМ ТАБАССУМ

Меҳмонхона хўжайини сайёҳдан сўради:

– Қалай, яхши ухладингизми?

– Жуда ёмон ухладим. Кечаси билан деворда суваараклар югуриб чиқди.

– Муҳтарам афандим, сиз тўлаган арзимас пулга биз ҳозирча кечаси буқалар жангини уюштириб бериш имконига эга эмасмиз.

* * *

Актриса машҳур фотографда сувратга тушиптида, икки кундан сўнг келиб, уларни олар экан, зорланипти:

– Мунча хунук чиқипти. Ўтган гал сувратлар жуда яхши чиққан эди.

– Ҳа, хоним. Ўтган гал мен ўн йилга ёш эдим-да...

* * *

Никоҳ пайтида:

– Кечирасиз, анави иккита эркакдан қайси бири уйланяпти, билмайсизми?

– Серташвишроқ кўринганиi. Қувноқ қиёфадагиси келиннинг отаси.

* * *

Икки альпинист баланд қояга чиқиб кетишаётган экан. Бири тойиб, тушиб кетипти.

– Бирор жойинг лат еганий йўқми? – деб қичқирипти ўртоғи.

– Билмадим, ҳали пастга етиб борганим йўқ, – деб жавоб берипти тушиб кетаётган шериги.

* * *

Бошловчи врач беморнинг хотинига дебди:

– Афсуски, мени жуда кечикиб чақирибсизлар. Эрингиз узилай деяпти. Ана, бармоқларини қаранг, кўкариб кетипти.

– Доктор, унинг бармоғи ҳамиша шунақа. У бўёқчилик қилади!

– Ундай бўлса, эрингизнинг хўп омади бор экан. Агар у бўёқчи бўлмаганида, ҳозир жони узилаётган бўларди.

* * *

Иккита хизматчи гаплашяпти:

– Бугун мен хўжайиннинг олдига кириб, «ё менинг маошимни оширасиз, ё мен ишдан кетаман!» деб масалани кескин қўйдим.

– Хўш, нима билан тугади бу можаро?

– Муросаи мадорага келдик. У иш ҳақимга ҳеч вақо қўшгани йўқ, мен ҳам ишдан кетмайдиган бўлдим.

* * *

Қайнона: Менинг поездим қачон жўнайди?

Куёв: 2 соату 34 дақиқа-ю 3 сониядан кейин.

* * *

– Хотининг қалай?

– Аҳволи чатоқ. Ҳозир у невралгия, неврит, нефрит, неврастения ва невроз дардларига мубтало.

– Йўғ-е, одам бирданига шунча дардга чалиниши мумкин эмас.

– Жуда ҳам мумкинда... Онаси хотинимга тиббиёт луғатини совға қилган. Ҳозир шу луғатдан хотиним Н ҳарфини кўриб чиқмоқда.

* * *

Голливуд киноактрисаси дугонасига маслаҳат беряпти:

– Сен ёшингни ҳар қанча кичрайтираман десанг кичрайтиравер. Фақат маслаҳатим шуки, ҳар гал қизингнинг ёши билан сенинг ёшинг орасида тўққиз ойлик фарқ қолсин.

* * *

– Азизим, айт-чи, агар сен билан мен эру хотин бўлмаганимизда менга қайтадан уйланармидинг?

– Кел, қўй, эски ғавғони янгидан бошлама...

*Кўнгил - чинни пиёла*

# ИСКАНДАРНИ ЛОЛ ЭТГАН ХИТОЙ ГЎЗАЛИ

***Муҳаббат шоҳни қул, қулни шоҳ қилади. Дунёда бу дардга мубтало бўлмаган зотни учратиш қийин. Зеро, бу туйғунинг ўзи инсониятни юксакликка кўтаради.***

***Жаҳонни зир титратган шоҳ Искандар Зулқарнайннинг саройида Равшанак (Оксиартнинг қизи), Нозмеҳр (Маллунинг қизи) исмли шаърий ва севикли хотинлари билан бирга Хитой ҳоқони томонидан Искандарга совға қилиниб, лекин шоҳнинг илтифотига ноил бўлмай, унинг қалбини забт қилиш учун пайт пойлаб юрган доно ва паҳлавон монанд бир қиз яшарди.***

Ҳамма кўп хотинли оилаларда бўлганидек Искандар ҳам бир хотинга (Равшанакка) кўпроқ меҳр қўяди, кўп вақтини ўша билан ўтказади. Лекин бу ҳусну ноз-карашмада Равшанакдан устун бўлган Нозмеҳрнинг қалбида рашк ўтини ёқади. Орада кундошлик можароси бошланади. Нозмеҳр бир куни Искандардан ўзига илтифотсизлик билан қарашининг сабабини сўраганда шоҳ унга: «Равшанакнинг отаси улуғ шоҳ бўлгани учун унга кўпроқ илтифот қилишим керак», дейди. Бу болаларча жавобни эшитган Нозмеҳр бирдан тутоқиб кетади.

Шу муносабат билан Нозмеҳр ўз ҳуснини Равшанакнинг ҳуснига таққослаб Искандарга таънали шеър битади. У аввал қаршисидаги рақибни асло камситмаган ҳолда Равшанакнинг ҳуснини муболағали мисра билан таърифлайди. Лекин Нозмеҳр ўз ҳусни ҳақида яна шундай гўзал муболағакорлик қиладики, қуёшдек ярқираб кўринган Равшанак энди Нозмеҳр олдида нурсизланиб қолади.

*Бу сўзнинг муҳаббатга не дахли бор -*
*Ки, ишқ ичра шоҳликка йўқ эътибор.*
*Насаб бирла бўлса анча шоҳлик,*
*Ҳасаб бирла етмиш менга моҳлик.*
*Анинг тожи кишварга бўлса хирож,*
*Менинг олима бош қўяр аҳли тош.*
*Анга фахр нисбатда Жамшеддин,*
*Менга ор ҳусн ичра Хуршеддин.*

Ушбу «ҳужум»дан сўнг Нозмеҳр улуғ фотиҳнинг қалбини забт этади. Искандар томонидан энди бутун эътибор Нозмеҳрга қаратилади.

Лекин Хитой канизагининг тақдири ўзгача бўлди. Кунларнинг бирида оғир ва даҳшатли жангда Искандар ўзининг энг довюрак ва ишончли саркардасидан айрилади. Душманнинг қўли баланд кела бошлайди. Бундан саросимага тушган қўшин орқага чекинишга мажбур бўлади. Искандарнинг ўзи ҳам, унинг илм ҳикмат аҳллари ҳам карахт бўлиб турган бир пайтда тўсатдан ниқобда бир паҳлавон наъра тортиб майдонга киради. Жангда жонбозлик қилиб, душман устидан ғалаба қозонади. Искандарга янги ҳаёт, янги шон бағишлайди. Жаҳон шоҳи бу номаълум паҳлавонга миннатдорчилик билдириш учун сўз топа олмайди. Кечқурун бу улуғ паҳлавоннинг шарафига катта зиёфат уюштирилади. Барча ушбу афсонавий баҳодир ҳақида қизиқар, ҳамманинг кўнглидан бир савол ўтарди. У ким?!..

Зиёфат асносида паҳлавон юзидан ниқобни кўтаради. Бу паҳлавон бир пайтлар Искандар илтифотига ноил бўлмаган хитой гўзали эди... Бу уруш қиз учун, тўғрироғи, унинг қалбини бутун умр ёндириб ўтаётган муҳаббат, рашк олови учун қасос бўлди. Шундай қилиб, Чин гўзали ўз орзусига эришди.

**Тайёрловчи:**
**Ҳамид САЪДУЛЛО**

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.10

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 7765 Буюртма Г— 616 1 2 3 4 5 6